

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№156 (6.680). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА

ОҚИЛОНА ЙЎЛ ТУТСАК



СПОРТ -БУ МАТОНАТ

ҲОСИЛДНИНГ ХАТОСИ

“БУ ЙИЛДАН РОЗИМАН...”

-Нихоясига етаетган 2003 йилдан розимансиз? Бир йил хаетингизда қандай из қолдирди?

Шайдулла Тўраев, Жарқўрғон тумани, марказий шифохонаси болалар касаликлари бўлими бош шифокори:

-Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш қийин. Нега десангиз, иш қўп. Шунга яраша ташвиш ҳам бисёр... Айниқса, қиш кунлари. Бўғи байрамона кайфият. Тўғриси айтсам, шу чоққача 2003 йил менга нима берди, - деб хайлдан ўтказмабман.

2003 йилда 50 ёшга тўлдим. Бу - ярим аср дегани. Бир пайтлар эллик ёшга кирган одамлар кўзимга анча кексайган, нуруний бўлиб кўринарди. Лекин мен эса худди ёш йигитдайман... (Жилмада.)

САРҲИСОБ

Бу йил қизимни турмушга узатдим. Кўевимни ҳам фарзандим сифатида қадрлайман. Уғлингиз уйланса, қизингиз бахтли бўлса, невараларингиз улгаверса, бундан ортик бахт борми қишига. Шу боисдан ҳам 2003 йилдан минг марта розиман...

Мен шифокорман. Бу эл дардига, жисмига, қалбига малҳам бўлувчи зот дегани. Кечалари навбатчиликда қоламиз. Болалар йиғлайди, инграйди, қийналади, бошқаси хасталиқдан азоб чекади, соғайиб кетган жилмада. Ўз касбини чин дилдан севган киши учун бундан ортик бахт бўладими?

Бундан тўрт ойлар аввал касалхонада бир воқеа содир бўлди... Акбар исми ёшгина болани олиб келишди. Унинг ҳарорати ҳаддан ташқари баланд эди. Улар Жарқўрғондан 25 километрлар узоқликда яшайди. Бола алаҳсирарди. Машина топишиб бизнинг касалхонага жўнатишибди... Ярим йўлда онаси бирдан йиғлаб юборди. Сабаби, болада тирриклик белгилари йўқолиб бораётган эди. Отаси эса "Барир-бир ўлади", деган хулосага келади. Улар гапни бир жойга қўйишиб, уйга қайтишади. Уйда эса ногаҳонда бола қўлини қимирлатади. "Чикманг жондан умид" деган нақл бор, қишлоқ шифокорига қолишади. Шифокор: "Бола тиррик, фақат касалхонага тезроқ етиб бориш керак", дейди. Ишонасизми, машина касалхона олдига ўқдай учиб келди. Энди ўйлаб қарасам, улар бир дақиқа кечиканида ҳам бола нофуд бўлар экан. Гўдакни асраб қолдик... Бунинг учун биз шифокорлар этти кун оёқда тик турдик. Тўғриси айтсам, ўшанда этти кун этти йилдай туюлди бизга. Саққизинчи кун ўшдан боладан узоқлаша бошлади. Худо кўрсатмасин, у ёруғ олам билан видолашганида ўзимни шифокор сифатида умр бўйи кечиролмасдим, деб ўйлайман. Бахтимизга Акбаржон омон қолди. 2003 йилдан минг марта розиман. Касал болаларнинг соғайганини кўриш - бахт! Буни ҳамма ҳам биларвермайдими...

-Янги йилдан нималарни умид қилаёсиз?
-Ниятим шуки, ёш болалар ўртасидаги касаллик кескин камаяс. Қанийди 2004 йилда битта ҳам бола касал бўлмас...

Сухбатдош: Менгнор ОЛЛОМУРОВОВ



Кейинги йилларда андижонликлар кўп соҳада ўрناق бўлиб келишмоқда. Шу боис Андижон тажрибаси, Андижон технологияси каби ибораларни ҳам тез-тез учратамиз. Бу албатта, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар масаласи яхши йўлга қўйилганлигидан дарак бериб турибди. Андижон қишлоқ хўжалиги институти кафедраси мудири, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" Дилшодахон Курбанованинг ҳам бу муваффақиятларда ўз ўрни бор.

СУРАТДА: Дилшодахон Курбанова. Б.АКРАМОВ олган сурат.

ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

ҚАШҚАДАРЁ. (Ўза мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ). Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда ниҳояланаётган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишларга яқун ясашиб, галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди. Унда туман ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликлари, бошқа дахлдор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди. Бу йил вилоят деҳқонлари 393 минг тонна пахта етиштиришди. Гарчи давлатга пахта сотиш шартнома режаси бажарилмаган бўлса-да, режадаги тола тайёрланди. Рентабельлик даражаси ўтган йилга нисбатан анча ошди. Фаллачилик ва чорвачи-

ликда ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ўзидан қирқ икки миллиард сўм соф фойда олинди. Бунда кишиларда ерга ва мулкка эгаллик ҳиссининг ошаётгани, деҳқон ва фермер хўжаликларини, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериллаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармониغا биноан вилоятдаги зарар кўриб ишлаётган ёки паст рентабельлик ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Тугатиллаётган ширкат хўжаликларининг ерлари фермер хўжаликларига ўртасида тақсимлана-

ётганида масалага адолат нуқтаи назардан ёндашиш, тендер ва танловларни ўз вақтида, сифатли ўтказиб, майдонларни ишнинг кўзини билладиган, тадбиркор ҳамда мўришкор кишиларга бериш лозимлиги қайд қилинди.

Йиғилишда вилоятдаги баъзи туман ва хўжалик раҳбарларининг суст қашлиги, ишни тўғри ташкил этиш борасида замон талабларидан орқада қолаётгани туфайли ўтган мавсумда пахтачиликда қўзланган натижаларга эришилмагани таъкидланди. Энди бундай хато ва камчиликларга барҳам бериш, келгуси экиш мавсумига пухта тайёрликни кўриш, шудгорни ўз вақтида тугатиб, шўр ювиш ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари» китобининг тақдироти маросими бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда ҳақамлар судларини ривожлантириш имконияти - тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий мунозараларни ҳал қилишнинг муқобил механизми сифатида» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Жиззахда Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан мамлакатимизда шу йилнинг 20 ноябрдан 20 декабригача ўтказилган «Ёнги хавфсизлиги ойлиги» ниҳоясига етди.

Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муҳиддин Раҳимовнинг юз йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Ўзбекистоннинг «Истеъдод» жағмармаси қошидаги масофали ўқитиш марказида масофали ўқитиш курсларини яратиш технологияси ва услуби хамда масофали ўқитиш услуби бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Машғулотлар Россиянинг Ахборот жамиятини ривожлантириш хамда Москва электроника ва математика институтлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, шу тариқа соҳани жаҳон андозаларига мос равишда оқсаттириш мақсадида кенг қамровли юмушлар адо этилапти.

Бу борада хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлаб, чет эл сармояларини киритиш яхши самара беришмоқда. Айниқса, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки билан ўрнатилган ҳамкорликлар таҳсинга лойиқдир. Банк қарзи доирасида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу гоят фойдали лойиҳани хайтга тезроқ тадбиқ қилиш мақсадида Жаҳон банки ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 октябрдаги қарорига биноан

ЖАРАЁН

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва Агентлик ташкили Қорақалпоғистон Республикасидаги Эллиққалъа, Андижон вилоятидаги Марҳамат, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод, Қашқадарё вилоятидаги Нишон ва Тошкент вилоятидаги Охангарон туманларида амалга ошириш кўзда тутилди. Асосан бешта - қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ирригация-дренаж тармоқларини яхшилаш, хусусий машина-трактор паркларини ривожлантириш йўналишларини қўзловчи маъмур лойиҳанинг умумий қиймати 43,46 миллион АҚШ доллари миқдорига белгиланди. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки Директорлар кенгаши эса бу лойиҳани хайтга тадбиқ қилиш учун беш йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 20 йил муддатга 36,14 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз ажратди. Лойиҳани амалга ошириш учун Эллиққалъа туманида ҳам ғуруҳ иш бошлаган эди.

(Давоми 2-бетда)

МУАММО ВА ЕЧИМ

Ўлкамизнинг қайси шаҳри, қайси гузарига борманг, ободончилик ишлари учун катта маблағ сарфланаётганини, бу юмушга неча юзлаб техникалар, минглаб одамлар жалб этилганини кўрасиз.

Тури-туман маиший чикиндиларни шаҳар ташқари-

-Аслида чикиндиларни қайта ишлаш, шу орқали тури тейёр буюмлар олиш дунёда одатий ҳол. Масалан, Японияда. Фарб давлатларида ҳам шундай. Рўзгор чикиндилари елим халтачаларга тури, хусусиятига қараб солинадими ва чикинди йиғувчилар томонидан биздагидек ахлатхонага эмас, балки тўппа-тўғри за-

ЧИҚИНДИ ТИЛЛОГА АЙЛАНДИМИ?

сидаги ахлатхоналарга чиқариб ташлаш осон иш эмас. Буни ошонасида утирволиб картошка ё пиёз арчаётган уй бекаси кўпмак ўйламаслиги, тасаввурига сизгиря олмаслиги мумкин. Мутахассислар эса чикиндини қайта ишлаш орқали уни мўмайгина даромад манбаига айлантириш ҳақида астойдил бош қотиришмоқда.

водга жўнатилади, - дейди фарғоналик тадбиркор Носиржон Усвалдиев. - Шу орқали бир қарашда кадрсиз ва ифлос кўринган нарсалар қайта ишланиб, дўкон пештахтасига чиқади. Чикинди сасиб ётмай ҳақиқий тиллога айланади. Носиржон Усвалдиев асли фарғоналик, вилоят миқёсидаги тури лавозимларда ишлаган.

(Давоми 2-бетда)

ҚОҒОЗ САНОАТИ: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Юртимиз иқтисодий ривожини ҳар бир соҳанинг ўсиши, тараққиёти билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шартинда ислохотлар самараси ҳар қайси тармақда ҳам қилинган амалий натижалар билан белгиланади. Жаҳон андозалари талабларига мос, экспортбох маҳсулот ишлаб чиқариш сановат корхоналари иш фаолиятининг негизини ташкил қилади.

Давр тадбиркорлики талаб қилапти. Тури-туман сановат тармоқларида барча имкониятларни ишга солиш, сифат ва самарага эътибор қаратиш, ишлаб чиқаришининг янги, илғор турларини хайтга тадбиқ этиш, шу билан бирга, иш изланиш

ИЗЛАНИШ

турилари барпо этиш ҳозирги кунда муҳим омилга айланиб турибди. Эндилекда сир эмас, ҳар қандай сановатимиз тармоғи янги технологиялар ишлаб чиқаришининг замонавий ускуналарини жалб этиш эвазига амалга ошади.

Кундалик ҳаётимизнинг, турмуш тарзимизнинг бевосита ҳамқори, ажралмас бир қисми сифатида бўлиб қолган маҳсулотлар ҳам мавжудки, биз уларнинг қай тарзда яратилиши, қандай ишлаб чиқилиши, уларни бунёд этиш ортида қандай захматлар бор, унчалик англамаслигимиз ҳам мумкин. Бирок, шуларсиз очиги, ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бизга гўёки аввалдан бор, гўёки ҳаммиша яшаш жараёнимизда мавжуд бўлиб келгандай туюлувчи бундай маҳсулотларни яратиш ортида қанчалаб фидойилик, ўзига хос тинимсиз меҳнат талаб этилишини таҳлил қилсак, маъмур тармоқлар ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўламиз.

Депрли ҳар кун дуч келамиз: маънавий ҳаётимизда, турмуш эҳтиёжларимизда қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг ўрни беқиев.

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

“АГРОХИМКАРТАНГИЗ БОРМИ?”

ҲАР БАЛО КЕЛСА, ТИЛИНГАН

“БОЛАН ЙИҚИЛИБ ЎЛМАГАН...”


Сиз «Қишлоқ Ҳаёти» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми? Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

ҚОҒОЗ САНОАТИ:

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Бизга шунчаки бир оддий маҳсулот бўлиб туюлган қоғоз осмондан тушмайди. Езув қоғози, тозалик русумидаги ва барча картон қоғозларига нисбатан талаб-эҳтиёжлар тараққий этган асримизда тобора юксалиб бораёпти.




Оддий мисол: китоб ўқиймиз, фарзандларимиз келажакдаги, умуман миллатнинг эртанги кун авлодлари тарбиясини китобсиз, ўқув қўлланмалари, дарсликларсиз хаёлимизга келтиролмаймиз. Хар кун чол этилаётган кундалик нашрлар, журналлар, бадиий ва илмий китоблар нашири мазкур тармоқда энг аввало танқислик рўй бермаслигига боғлиқ. Бундан ташқари қалин қоғоз, гофроланган қалин қоғоз, гофроидишлар, толали плиталар, муқоваланган қалин қоғоз ишлаб чиқариш ва шу махсулотга аҳоли талабининг ошиши тармоқнинг жамиятимиздаги ўрни бекиёс эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Шундай экан, соҳада олиб борилаётган ишлар, замонавий иш услу...

Маълумки, бугун целлюлоза қоғозига талаб жуда юқори, эҳтиёж катта. Бу йўналиш динамика равишда тобора тараққий топаётган. Ҳозирда энг асосий маҳсулотлар маҳсулоти бўлиб, республика миқдорида ўз ўрни ва мавқеига эга ҳисобланади.

маҳсулотларига бугун дунё миқёсида талаб-эҳтиёж катта.

Шуларни ҳисобга олиб, тармоқнинг 2010 йилга қадар ишлаб чиқилган дастурида хорижий инвестицияларни жалб этиш, 31,47 миллиард АҚШ доллари миқдорига кредитга эга бўлиш кўзда тутилган. Тўғридан-тўғри хориж инвестицияси учун 674 миллион қийматдаги АҚШ доллари, маҳаллий банклар томонидан эса 15264,45 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган.



Хозирги кунда ассоциация таркибидан 28 та корхона ва ташкилот мавжуд. Шулардан 3 таси йирик саноат корхонаси бўлиб, республика миқдорида ўз ўрни ва мавқеига эга ҳисобланади.

Истеъмолчиларга зарур маҳсулот етказиб беришда қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш соҳа ишининг жонлиги гаровидир. Ҳозиргача "САТСО" қўшма корхонасидан истеъмол бозорлари учун йилига 3 минг тоннадан зиёд тозалик қоғозлари ва салфетлар ишлаб чиқарилаётган. Бундан ташқари йиллик иш қўлами ва қувват 10 миллион донага тенг бўлган "Golden Bridge" хорижий кичик корхонасида тозалик қоғоз жижирлари тайёрланаёпти. Мазкур корхонада хорижий сармоя ҳажми 300 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Янгийўлда Ўзбек-Англия қўшма корхонаси қурилиши режалаштирилган.

Қўшма корхона юқори сифатли оқ қоғоз ҳамда дафтар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Кўпчилигимиз яхши биламиз: бугун қоғоз маҳсулотларининг деярли барча кўринишларида эҳтиёжимиздан келиб чиқиб айтсак, танқислик сезилади. Шундай экан, юқоридагидай қўшма корхоналарнинг бунёд этилиши соҳада нафақат ишни янада юксалишига, балки қоғоз танқислиги масаласига ҳам маълум маънода сезиларли ижобий таъсир қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари тармоқ ривожига "Саноатқалинқоғозсавдо" очик акционерлик жамиятининг ҳам ҳисоаси бекиёс. Жамият бир нечта фабрикаларни ўз тасарруфига биравлаштирган бўлиб, калинқоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Дастлаб Ангрэн калинқоғоз идишлари ишлаб чиқариш, деб номланган корхона 1988 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда "Ўзбекистон ва хорижий корхоналарни ўз маҳсулотлари билан таъминлайдиган завоудан то улкан саноат компания-

сигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бозор иқтисодиёти шароитида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва дунё бозорига ўз ўрнини белгилашнинг муҳим иш босқичи, деб билди. Натижалар чакки бўлмади. Корхона халқаро молия ва иқтисодий компания олийгоҳи томонидан "Фенел Бирмингем" мукофотиغا сазовор бўлди. 1998 йилда эса "Олтин ме-



даль" фахрли Европа мукофоти соҳиби, деб тан олинди.

"Саноатқалинқоғозсавдо" да иш ҳажмининг кенгайиши, иш қувватининг ошиши, жиҳозларнинг доимий модернизацияси маҳсулот сифатининг доимий назоратда эканлиги, маркетинг сисемасининг тўғри йўлга қўйилиши диққатга сазовордир. Шу туфайли ҳам корхонада ишлар кўнгилдагидек давом этаётган, - дейди бош раҳбар Шейкет Османов.

Биз ташкил этилганлигининг ўн беш йиллигини нишонлаётган ва тобора дадил одимлар ташлаётган бирлашма меҳнат ахлини муборакбод этдик. Зеро, шундай йирик жамоаларни биравлаштирган "Ўзбекқоғозсавдо" уюшмаси иқтисодиётимиз равнаки йўлида замон талаблари даражасида дадил одимламоқда.

Ханифа ШАМШИЕВА



МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНДИ

Чоршанба кун Грузия президенти вазифини бажарувчи Нино Бурджанадзе Москвага ташриф буюрди. Ўзбекистонда бўлса, Шеварднадзе истеъфога чиққандан сўнг Аджария ҳамда Жанубий Осетия автоном ўлкалари мустақилликка интила бошлаган ва энг аввало Россия билан яқинлашиш йўллариини излаганди.

Ана шундан сўнг расмий Тбилиси Россияни Грузиянинг ички ишларига аралашаётганликда айблаган. Нино Бурджанадзе ҳамда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игор Ивановнинг ўзаро мулоқоти чоғида айни шу масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, давлатлар ўртасида амалга киритилган виза режими сиёсати икки томонлама ҳамкорликка соя солиши мумкинлиги хусусида ҳам фикр билдирилди. Игор Иванов бу ҳақда сўз юритаркан, "Грузия ҳамда Россиянинг ўзаро алоқаларига виза тизими доимий эмас" лизини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ҚўЛЛАНИЛДИ

"Париж - Лос-Анжелес" йўналиши бўйлаб ўчиши керак бўлган олптика самолётнинг парвози "Air France" раҳбарияти томонидан номаълум мuddатга қадар қолдирилди, дея хабар қилади Reuters ахборот агентлиги.



АҚШнинг Франциядаги элчихонаси тарафидан Рождество байрами олдиндан "Ал-Қоида" террорчи гуруҳи янги терактларни амалга оширишни режалаштираётганлиги хусусидаги маълумотнинг эълон қилиниши Франция томонини ана шундай қарорга келишига ундаган. Эслатиб ўтамиз, 2001 йилнинг 25 декабрида "Париж - Майами" йўналиши бўйича учаётган самолёт салоинида АҚШ фуқароси Ричард Рид оёғидаги кроссовка ичига беркитилган бомбани ишга солишга уринган, бироқ бошқа йўловчиларнинг хушёрлиги туфайли фожианинг олди олиб қолинганди. Бу гал ҳам ана шундай нохуш вазиятлар юз беришидан хавотирланган "Air France"нинг энг олди қарорга келганини, яъни вақтинчалик парвозларни тўхтатиб турмоқчи эканлигини тушуниш мумкин. Шунингдек, АҚШ ҳам штатларидаги аэропортларда хавфсизлик чораларини кучайтирмоқда.

БАҒДОД ЯНА НОТИНЧ

Кеча эрта тонгда Бағдод шаҳри марказида бир неча портлашлар амалга оширилди. Террорчилар коалиция кучларининг штаб-квартираси жойлашган "Яшил зона" худудини ҳам миномётдан ўққа тутганлар.

"Шератон" меҳмонхонасининг деворлари миномёт ўқларидан илматешиқ ҳолатга келган, бино ойналари эса битта қолмай тўқилиб тушган. Шуниси эътиборлики, мазкур меҳмонхона чет элликлар учун энг муҳташам иморат ҳисобланарди. Тарқатилган маълумотларга қараганда, теракт оқибатида ҳеч ким қурбон бўлмаган. Бироқ, чоршанба кунги кечаси аксилтерор операциясини ўтказиш чоғида бир аскарнинг ҳалок бўлганлиги айтилмоқда. Бу эса уруш тугаганлиги расман эълон қилингандан сўнг ўлдирилган 206-ҳарбий хизматчидир.

САДДАМ СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

Ироқнинг собиқ диктатори Садам Ҳусайн АҚШнинг Катардаги ҳарбий базасида сўроқ қилинмоқда.



Washington Postнинг таъкидлашича, собиқ диктаторнинг террорчилар билан узвий алоқаси мавжудлиги тасдиқланса, келажакда терроризмга қарши курашишда янги услубларни ишга солишга тўғри келиши мумкин. Бироқ, ҳозирча бу ҳақда ҳеч қандай аниқлик йўқ. Садам кўпроқ Ироқ халқининг ўзи ҳукмдорлик қилган давридаги аянчли қунлар учун жавоб бериши керак. АҚШ президенти Жорж Бушнинг эътирофи этишича, "Садамнинг биргина шу айби учун ҳам ўлим жазосига ҳукм қилиниши - адолатнинг тантанаси бўлади".

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Хасан ТОШҲУЖАЕВ тайёрлади.

Advertisement for 'FALLABANK' (ҒАЛЛАБАНК) featuring a Santa Claus figure and text about services and interest rates.

"КАРВОН" ТЎХТАТИЛДИ

Хар бир инсон яхши яшашга, ўзгардан кам бўлмасликка интилади. Кимдир ҳалол меҳнат қилиб рўзгорини тебратса, кимлардир ҳар хил ноқонуний айёрлик йўллари билан пул топишга ҳаракат қилади. Лекин пешона тери эвазига топилмаган мол-мулкнинг юкиши эса амри маҳол.

БОЖХОНА

Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан контрабанда ва боғжона қойдаси бузилишига қарши Тошкент халқа йўлларининг бирида ўтказилган дафтарлар давомидан Андижон томон ҳаракатланаётган "Мерседес-Бенц" автомашина тўхтатилди. Автомашина юкхонаси текширилганда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари тағида яширинча катта миқдордаги маҳсулотлар борлиги аниқланди. Хорижда ишлаб чиқарилган умумий нархи 5.000.000 сўмдан ортиқ бўлган 800 дона озиқоват, 16209 дона парфюмерия, 7500 дона канцелярия ва 10835 дона турли хил молларнинг республикамизга қонунга хилоф равишда олиб қилинганлиги аниқланди.

Тадбиркорлар учун ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилганлиги бежиз эмас. Шу боис уларга юртимиз бозорларини сифатли, истеъмолга яроқли маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни кучайтириш, маҳсулотларни экспорт-импорт қилиш каби кенг имконият эшикларини очилган. Аммо айрим "ишбилармон"лар қилаётган иши ноқонунийлигини била туриб, енгил-елги йўллар билан чет давлатларда ишлаб чиқарилган ҳар хил товарларни боғжона назоратидан ўтиб, худудимизга келтиришга уринмоқдалар.

Нурум Алижонов ҳам ана шундайлардан экан. У боғжоначилар эътиборини тортмаслик, ноқонуний вазият пайдо бўлганда ёлғизовёқ йўллардан ҳам беъмалол чиқиб кетоладиган техниканинг арзон ва қулай турларини топди. Шериклари ёрдамида Туркменистон бозорларидан сотиб олган, акция маркаси умумий нархи 2.100.000 сўмлик "Pine Lights" сигареталарини 7 та отга жойлади. Чўлдан сигарета қарвони йўлга отланди. Бироқ бу қарвон боғжоначилар эътиборидан четда қолмади ва Бухоро вилояти "Олот" боғжона назоратини ўтказиш комплекси, контрабанда ва боғжона қойдаси бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди.

Хозирда ҳар учала ноқонуний иш юзасидан жиндий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

Нурбек МУСТАФОЕВ

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! Пул маблағларингизни тезда хоҳлаган манзилнингизга жўнатишни ёки қабул қилиб олишни истайсизми?

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

Advertisement for 'Western Union' bank services, including text about international money transfers and contact information.

"НИШОН-ДОН МАХСУЛОТЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ" ОЧИК АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" - ги қонунининг 65 ва 100-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улushi ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 3202-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида" ги қонунига ва "Нишон-Дон маҳсулотлари қабул қилиш" очик акциядорлик жамиятининг 2003 йил 21 ноябрдаги 3-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан, Қашқадарь вилоят Давлат мулк бошқармасининг № 726-буйруғига биноан 15.12.2003 йилдан эътиборан "Нишон-Дон маҳсулотлари қабул қилиш" очик акциядорлик жамияти "Нишон-Дон маҳсулотлари қабул қилиш" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 20 декабрда Шарипова Дильфуза Насриддиновнага берилган ЖШ № 003615-рақамли чакана савдон амалга ошириш ҳуқуқи акс этган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ томонидан рўйхатга олинган "Меркурий-115 Ф" (тартиб рақами 195487) русуми назорат-касса машинасининг № 4058-рақамли регистрация картасига йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧФ "ТОНИВЕК БИЗНЕС" реорганизуется в ООО "ТОНИВЕК БИЗНЕС". Код по ОКПО 18988495. Зарегистрирована в С.Р.Химовском р-не.

Дочернее предприятие "REMSAK" преобразуется в унитарное предприятие "REMSAK". Претензии принимаются в течении 1-м-ца по тел.: 49-37-37.

Утеранный гос.ордер 10-02/8704 от 11.02.1993 г. права собственности Гулямова Елизавета Васильевна на квартиру считать недействительным.

Утеранный гос.ордер 00-21/5712 от 19.07.1993 г. права собственности Ан Семён на квартиру считать недействительным.

